

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республика Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси 2001 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси


Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 27 июль

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олтинчи сессияси муҳока-масига қуйидаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда:

1. Марказий сайлов комиссиясининг айрим сайлов округларида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайлови яқинлари тўғрисидаги ахбороти.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2001 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида.
3. «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
4. «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги тахрири) лойиҳаси ҳақида (учинчи ўқиш).
5. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
6. «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги тахрири) лойиҳаси ҳақида.
7. «Қимматли қозғалар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
8. «Махсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
9. «Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги тахрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
10. «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
11. «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
12. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
13. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам киритиш назарда тутилмоқда.



«Бу қуларга етганлар бор...»

АБИТУРИЕНТ - 2001

БУГУН ИМТИХОН

Бугун республикаимизнинг барча олий ўқув юртлирида кириш имтиҳонлари бўлиб ўтади. Минглаб ёшлар қалбларида умид ва ҳаяжон билан ўз билимларини синовдан ўтказишади. Жайдари-ча айтганда, «қозонда бори чўмичга чиқади»ган кун бугун. Сир эмас, бугун кўпчилик ёшлар ҳуқуқшунос мутахассислиги бўйича тахсил олишни исташади. Шу сабабдан Тошкент давлат юридик институтининг қабул ҳайъатида бўлиб, ҳайъат раиси Мирзасуф РУСТАМБОВдан бу йилги қабул тўғрисида баъзи маълумотларни олишга муваффақ бўлдим:

— Бу йил институтимизга 6321 нафар абитуриент ҳужжат топширди. Бу эса ўз-ўзидан ҳуқуқий билимга эҳтиёж органини англатади. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки биз ҳуқуқий жамият қуриш йўлидан бораётимиз.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, бу йилги қабул режаси 520

тани ташкил этади. Шундан қундузги бўлимдаги ўзбек гуруҳлари-га 405 та, рус гуруҳи 80 та, сиртки бўлимдаги ўзбек гуруҳига 30 та, рус гуруҳига 5 та абитуриент талабалikka қабул қилинади.

Имтиҳонлар пойтахтнинг Юнусобод туманида жойлашган 7 та мактабда ўтказилади. Бугунга

қадар барча абитуриентлар рўйхатдан ўтказилиб, уларга имтиҳонга кириш учун рухсатномалар тарқатиб бўлинди. Имтиҳонлар соат 8 да бошланади. Ушбу вақтдан кечиккан абитуриент имтиҳонга қўйилмайди.

Талабалар шаҳарчасига йўл олдим. Очиги, имтиҳондан бир кун олдин абитуриентларни учратишдан умидим йўқ эди. Аммо ниятим ҳолис эканми, ҳар қалай абитуриентлардан айримлари билан суҳбатлашдим.

Шарофиддин Исонов:

— Қашқадарёдан келдим. Тошкент Давлат техника университети-га ҳужжат топширдим. Ростини айтсам, ҳаяжондаман. Шунинг учун ҳам университетга келдим. Эртага имтиҳон, ахир. Ўзимни руҳан тайёрлаб олишим керак.

Солижон МАМАЖОНОВ, Фарғона вилоятидан:

— Ўғлим билан келувдим. Ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилардим. Ўзим фермерман. Қонунларни яхши биладиган ердамчим бўлса, ёмон бўлмасди. Қолаверса, ҳозир ҳар бир соҳада қонунни яхши билиш асқотади.

Ўғлимнинг билимига ишонаман. Худо хоҳласа у бунни оқлайди. Ҳар қалай, биз шунга умид қилаялмиз.

Яна бир гап. Ҳукуматимиз ёшларимизнинг ўқиши, билим олиши учун ҳар қандай шароитни яратиб бермоқда.

Мен бу ўринда шахсан Президентимизнинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шундай экан, ёшлар бунни оқлаши шарт. Чунки келажақ шуларнинг қўлидадир.

(Давоми 2-бетда.)

Моҳият

Инсон тарбияси у туғилиши ҳамона бошланади; чақалоқ ҳали гапирмайди, сўзга қулоқ солмайди, аммо ўргана бошлайди. Билиш тарбиядан келиб чиқади.

Ж.РУССО

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi

prokuraturasi,

Toshkent shahar va Toshkent

viloyati prokuraturalari,

«Qonun himoyasida»

jurnali

Bosh muharrir:

Abdusolix

ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
qo'ltasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.

Hekiyama va e'lonlar:

77-68-67, 77-59-31.

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalarga
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etiladi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma 7 - 2649
Nusxasi — 20609

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00

Bosmaxonaga
topshirildi 19.00

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Navbachi muharrir:
H. NISHONOV

Navbachi: N. MAHMUDOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

ГИЕХВАНДЛИК ИЛЛАТ

КЕЛАЖАККА ОТИЛГАН ЎҚ

Ўн йил тарих олдида жуда қисқа давр. Ана шу давр ораллигида мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилди. Ютуқларимиз сабаби юртимизда тинчлик ва барқарорлиқнинг таъминланганлигида эканлиги сир эмас. Аммо, ҳаётимизда ҳаммаси кўнгилдагидек кетаяпти десак, муболаға қилган бўламиз. Жамиятимизда қонунбузарликлар, жиноятлар содир бўлмоқда. Бунинг сабабини қимдир ҳуқуқий саводсизликка йўйса, яна бошқалар иқтисодий қийинчиликлар билан боғлашга ҳаракат қилади. Аслида бу фикрларда жон бор. Бугунги кунда тобора илдиз отаётган оғир муаммо — бу гиехвандлик иллатидир. Бу иллатга қарши курашда туманимиздаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан анчагина ишлар қилинди.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги даврларда туманда гиехванд моддаларни истеъмол қилиш ва бунинг оқибатида оғир дардга чалиниб қолиш ҳоллари сезиларли даражада ошган. Бу фожеанинг манбалари аниқланиб, туманимиз ҳудудидида табиий гиехвандлик воситалари ўсаётган жойлар аниқланмоқда ва йўқ қилинмоқда. Ги-ёхванд шахсларни аниқлашда, уларни ҳисобга олишда ва даволанишини таъминлашда туман ИИБ, ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бўлими, Ташкент шаҳар наркологик диспансери, жазони икроси этиш муассасалари билан ҳамкорликда кенг қўлланма ишлар қилинмоқда. Бироқ ишлар кўнгилдагидек эмас.

Туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан 2001 йилнинг 1-ярми мобайнида гиехванд моддаларни ноқонуний сақлаш, ўтказиш ва етиштириш жиноятлари бўйича 90 та ҳолат аниқланиб, жиноят ишлари қўзғатилди. Гиехванд моддаларни ноқонуний равишда етиштиришнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир маъмурий идораларнинг ҳудудлари ва маҳаллалардаги ер участкалари профилактик инспекторларга бириктирилган бўлиб, бу ҳудудларда доимий равишда текширишлар ўтказилмоқда. Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида Сирғали туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан ўтказилган тадбирларда жиноятчилардан жами 8 килограммдан ортиқ гиехванд воситалар тортди билди.

Шу йилнинг 7 январь кунини туман ҳудудидидаги «Полевая» ДАН масканида

ИИБ ходимлари фуқаро М.Мирзададаев бошқарувида бўлган автомашинадаги йулочви К.Юлдашевдан шубҳалана киб, туман ИИБга олиб келиб текширилганда, унинг чўнтагидан героин моддаси топилган.

Шу давр мобайнида 2 нафар фуқаро гиехванд моддаларни меъёридан ортиқ истеъмол қилганликлари учун вафот этган. Далаларда, ташландик ерларда ўсиб ётган ёввойи наشا ҳам гиехвандликнинг авж олишига асос бўлмоқда. Прокуратуранинг ташаббуси билан ўшбу ўсимликлар юлиб олиниб, ҳолилар иш-тироқда ёқиб ташланмоқда. Масалан, маҳаллалар ҳудудларини айланб рейд ўтказиш жараёнида 5-Сирғали даҳаси охиридаги йўл четидида ташландик ер майдонида 150 кв.метр жойда ёввойи ҳолда ўсган наша ўсимлиги аниқланиб, ёқиб юборилди. Бундай тадбирлар Янгийўл, Зағиота туманлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари билан ҳамкорликда мунтазам ўтказиб турилибди.

Туман прокуратураси ва ИИБ томонидан гиехвандлик воситаларининг тайриқоний муомалада бўлиши билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш юзасидан анчагина иш олиб борилган. Символик ахборот воситаларида гиехвандликка қарши кураш масалалари бўйича чиқишлар ташкил этилмоқда. Ўқув юртларда, мактабларда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида мунтазам равишда урғушлар ўтказилмоқда.

Қилинган саъй-ҳаракат зое кетма-

япти. Кўпгина маҳаллаларда бу жиноятларнинг кескин қамайиш кузатишмоқда. Туман прокуратураси ташаббуси билан туман марказий поликлиникасининг жаррохлик пунктида ва 50-оилавий поликлиникада гиехвандларни соғлом ҳаётга қайтариш ва иктимой соғломлаштириш мақсадида аноним наркокабинетлар ташкил этилди. Ўшбу дардга мубтало бўлган шахслар мутахассисларга мурожаат этиб, тегишли масоҳат ва муолажаларни олишлари ва ўшбу иллатдан халос бўлишлари мумкин.

Президентимиз Ислам Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган маърузасида аҳал оғуси миллионлаб инсонларнинг ёстиғини қўриқлаётгани ҳақида дунё жамоатчилигини оғохлантирган эди. Давлатимиз раҳбарининг наркотикига қарши курашда кучларни бирлаштириб, умумжаҳон миқёсида ҳаракат қилиш керак, деган қарғиғи хали-хануз ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мамлакатимизда гиехвандликка қарши кураш борасида кенг қўлланма ишлар қилинмоқда. Бироқ бу ишларни кўнгилдагидек деб бўлмайд.

Айрим фуқароларимиз гиехвандликка қарши кураш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг вазифаси дейишди. Кечқурунлари «дом-лар орасида» тўпланиб турган уч-тўрт ўсимирни қўриган айрим қимсалар у ерда ўзининг фарзанди йўқлигини қўриб индамай кетишди. Ана шу ўсимирлар нима ишлар қилаётгани билан қизиқишмайди ҳам. Кўпгина шундай лоқайдликлар гиехвандликка берилган болаларнинг кўпайишига сабаб бўлаяпти.

Еш авлодни нихолга ўхшатиш мумкин. Уни ёшлигидан тўғри йўлга солиш шарт. Уларнинг тарбияси қарши қартилан ҳар қандай ҳаракатни келажакка отилган ўқ сифатида қабул қилишимиз керак. Бунинг олдини олиш учун ҳар бир ота-она ўз зиммасидаги вазифани унутмаслиги керак.

Одил МАТХОЛИҚОВ,
Сирғали тумани прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

ТАДБИР

ҚОНУНЧИЛИКНИ
МУСТАҲКАМЛАШ
ЙЎЛИДА

Ўтган душанба кунини Ўзбекистон Ҳарбий прокуратураси ҳайъатининг округ, гарнизон ҳарбий прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Кун тартибидидаги масала — Ҳарбий прокуратура идораларининг ўтган ярим йилда Қуролли Кучларда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлари ва келгусидаги вазифалари юзасидан Ўзбекистон Бош прокурори ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори Б.Дехонов маъруза қилди.

Маърузачи ва муҳомадага чиққанлар томонидан ўтган давр мобайнида ҳарбий прокуратура идораларида умумий назорат салохиятининг бирмунча ошганлиги, қўлланган таъсир чоралари сони, самарадорлиги, етказилган зарарларни ўндириш тўғрисидаги шикоят-таломларнинг натижасида барча жиноятларнинг фош этилганлиги қайд қилинди.

Айни вақтда Жизжақ, Фарғона, Қарши ва Наманган Ҳарбий прокуратуралари назоратидаги гарнизонларда жиноятнинг содир этилишига қарши тўсиқ қўйилмаётганлиги, қонунларнинг ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда хато ва камчиликлар мавжудлиги танқид қилинди.

Ҳайъат қўшинларда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза этиш борасидаги ишларни фаоллаштириш юзасидан қарор қабул қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари А.Эргашев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Ҳарбий прокуратурасининг матбуот гuruhу

ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИ

САБОҚ БЎЛАРМИКАН?

Ақсарият одамлар охирини уйламай қилган ишлари оқибатида боши берк кучага кириб қоқадилар. Тўғрисики айтиш керак, бундан қимдир ўзига тегишли хулоса чиқара олади, қимдир эса йўқ. Лекин нима бўлганда ҳам бу каби ҳуқуқ ишларнинг олдини олиш маъмул бир маънода сиз билан бизга ҳам боғлиқ. Бахтга қарши бугунги кунда бунга ҳар доим ҳам ижобий ёндашаётган одамни учратиш қийин. Беарволик деб ном олган дарддан халос бўлиш учун кишига масъулиятдан ташқари, меҳр ва оқибат керак.

Атрофга назар солар эканмиз, кўнглимизда «менга нима» деган фикр кечади. Баъзиларимиз буни ҳатто тилимизда ҳам кўп такрорлаймиз. Аммо... Бефарқлиқнинг залворли тоши бир кунни бизнинг ҳам елкамизни босиши мумкинлигини ич-ичимиздан ҳис қилиб тураемиз. Ҳар гал жиноят ишини таҳлил қилаётганимизда суд бундан ҳам енгилроқ жазо бериши мумкинми, бу шахсни жиноят содир этишга нима ундади, деган саволлар туғилади.

Кеч соат саккизлар. Икки оғайни — Юсуф ва Азамат «Дўстлик» жамоа ҳўжалигининг 4-бригадаси бўйлаб кетаётганларида далада ҳеч бир зог кўринмасди. Шу пайт Юсуф дала четидида қаровсиз молни қўриб қолди.

У зўқ уйлаб ўтирмади. У ёқ-бу ёққа қаради-да, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилмади, мол қозғини ердан сугуриб, Азаматга «ёрдамлаш» деганча торта бошлади.

Азамат қўлида қалтак билан «ўлжа»ни ҳайдаб борарди. Қўлга тушмаган

ўғри эмас, дейишди. Бу гапни ким уйлаб чиқарганини билмадигу, икки оғайни қўзлаган манзилга етмасдан-ноқ қўлга тушишди...

Суд ишга қўриб чиққан, уларни уч йилга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди. Бироқ ўшбу жазо уларни бу йўлдан қайтаришга қанчалик таъсир эта олади? Озодликдан маҳрум этмасдан, бошқа енгилроқ жазо тайинланса, унинг таъсир кучи қандай бўларди? Қолаверса, бу сўнгги чорамми?

Ана шу саволлар Амударё тумани суди ҳукмига нисбатан протест қилишга мажбур этди. Қорақалпоғистон Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати қўйи суд инстанцияси А.Авазова қилмишига нисбатан бирмунча оғир жазо қўйилган деган хулоса келиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини уч йилга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан алмаштиришни лозим топди.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси бугун қўллаб-давлаларда сўнгги чора сифатида қўлланилади. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам қонунларимизнинг инсонпарварлик тамойилларига амал қилган ҳолда, аввало жиноят орқали етказилган зарарнинг қопланishiга алоҳида эътибор берилмоқда. Адашганини тўғри йўлга солишда эса озодликдан маҳрум этишдан кўра жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплатиш ижобий натижа беради.

Х.БАҲРОНОВ,
Амударё тумани прокурори,
адлия маслаҳатчиси

АБИТУРИЕНТ - 2001

БУГУН ИМТИҲОН

(Бошланғич 1-бетда.)

Зафаржон,

Солижон ақанин ўғли:

— Дадам билан имтиҳон вақтларини яна бир бор аниқлаб кетиш учун келгандик. Ҳаяжоним йўқ эмас. Мен билан бирга ҳужжат топширган тенгдошларим билан савол-жавоб қилиб кўрдим. Кучли болалар кўп. Эртага билан қўлиб бўлишига ишонаман.

Дилшод АЛИҚУЛОВ,

Сирдарё вилояти:

— Ташкентга биринчи келишим эмас, аслида. Лекин шунга ҳам 5-6 йил бўлиб қолди. Пойтахт жуда ўзгариб кетди. Кеча ўртоқларим билан Темурийлар тарихи давлат музейига бордик. Музейни айланар эканмиз, ҳаёлан бобомиз руҳларига тиловат ўқиб, у кишини эртанги имтиҳонларда мадад бўлишларини тиладим.

Ажаб эмас, руҳлари қўллаб, омадим чопса.

Журналист бўлишни болалигимдан ният қилганман. Бу касб эгаларига доим хавас қилардим. Шунинг учун халқаро журналистика факультетида ҳужжат топширдим. Ниятим ўқишга кириб, Ўзбекистонни хоржий юртларда яна ҳам яхшироқ билишларига ўз ҳиссамни қўшиш.

Шаҳло АЛИМОВА,

Ташкент шаҳри:

— Ўзбекистон миллий университетига иккинчи марта ҳужжат топширишим. Ўтган йили йўқдан балларим талаба бўлишим учун етмади. Оиламиз педагоглар оиласи. Дадам, ойим ҳамда катта опамлар шу касбда меҳнат қилишди. Бахтим чопиб улар қаторидан қўшилсам, ўзимни бахтиёр ҳисоблардим.

Ҳа, абитуриентларнинг ҳаяжонлари бежиз эмас. Чунки, йиллар давомида олган билимларини синовдан ўтказиш билан бирга, келажак орзу-умидларининг ушатиши ҳам бир жихатдан бугунги кунга боғлиқ. Нима ҳам дердик, бугун барча абитуриентларга омад қўлиб бекшишини тилаб қоламиз. Зеро, ҳассос шоиримиз Ғофур Ғулом айтганларидек, «Озод мамлакатнинг, озод фарзанди билиб қўйди, сени Ватан қутади». Шунинг унутмасангиз бас.

Жаҳонгир ШАРОФБОВ,
«Ҳуқуқ» муҳбири

САҲИФАЛАРИМИЗДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ПРОКУРАТУРА ИДОРАЛАРИ

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

ЯНГИЧА МУНОСАБАТ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ПРОКУРОРИНИНГ БИРИНЧИ
ЎРИНБОСАРИ Ф.БОЙЗОҚОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Фахриддин Турсунович, юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг прокуратура идоралари фаолиятида ҳам катта ўзгаришлар бўй берди. Эндиликда юрт раънақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ижроси назорати-га алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Шундай эмасми?

— Тўғри. Буни қишлоқ ҳўжалик соҳаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Айтмоқчиманки, соҳада тўб ислохотлар ўтказиш учун кенг йўл очилди. Энг муҳими, бунинг учун мустаҳкам ҳўқуқий пойдевор яратилди. «Фермер ҳўжаликлари тўғрисида», «Дехқон ҳўжаликлари тўғрисида» ва «Ширкат ҳўжаликлари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Кези келганда шунини таъкидлашни истардимки, барча савий-ҳаракатлар биринчи навбатда фуқаролар манфаатдорлигини оширишга қаратилган. Пировард мақсад эл фаровонлиги, шу билан бирга юрт раънақини ҳам таъминлашдир.

Худди шунинг учун ҳам вилоят прокуратураси идоралари томонидан қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонунлар, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижроси устидан доимий назорат ўрнатилган. Айниқса, мулкдорларнинг қонуний ҳўқуқ ва манфаатларини ҳўқуқ қилишга алоҳида эътибор берилаетир.

Мана бир мисол: Вазирлар Маҳкамасининг дон маҳсулотларини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш ҳақидаги қарори ижроси юзасидан ўтказилган текширишда Термиз туманида фаолият юритаётган «Солиобод» фермер ҳўжалиги шартнома бўйича давлатга дон сотиш режасини тўлиқ бажарганига қарамадан мазкур туман ҳўқимлиги ва дон маҳсулотлари қабул қилиш қорхонаси раҳбарлари жамоага буюртмадигидан ортиқча етиштирилган 40 тонна маҳсулотни ҳам мажбурий равишда топ-

ширтирганлиги аниқланган.

Вилоят прокуратураси томонидан «Солиобод» фермер ҳўжалиги манфаатларини кўзлаб олишқа олиб қўйилган маҳсулот баҳосини бозор нарҳида ундириб бериш ҳақида ҳўжалик судига даъво аризаси киритилди. Иш судда кўриб чиқилиб, ҳўжаликнинг қонуний ҳўқуқлари тикланди. Келтирилган зарар тўлиқ ундирилди.

Воҳа дехқонларининг жорий йилдаги меҳнатлари ўз самарасини бермоқда. Бизнинг ниятимиз ҳам қишлоқ ҳўжалиги раънақида кўмаклашишдир. Дехқон бой бўлса, юрт обод бўлади, деб бежиз айтилмаган.

— Улуғ байрам арафасида ўтказилган буғунги мулоқотимизда яна қандай масалалар ҳўсусида фикр билдиришни хоҳлардингиз?

— Прокуратура идоралари учун фуқароларни ижтимоий ҳўқуқ қилишга тааллуқли қонун ва бошқа меъёрий ҳўжатлар ижроси назорати ҳам катта аҳамиятга эга.

Вилоят прокуратураси идоралари томонидан шу йилнинг биринчи ярми мобайнида Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 604-сонли қарори ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар давомида савдо ходимлари ўртасида зарур озик-овқат маҳсулотларини талон-торож қилишга барҳам берилмаётгани аниқланди.

Жумладан, «Сурхондарёозик-овқатсаноати» ҳиссадорлик жамиятига қарашли дўкон мудири Х. Рўзиев ўз жавобгарлигида бўлган 1 миллион 200 минг сўмлик 3 тоннага яқин пахта ёғини ўзлаштириш ва камомат қилиш йўли билан



талон-торож қилган. Жарқўрган туманидаги ишчилар таъминоти ташкилотига тегишли дўкон мудири С. Норматова эса 534 минг 600 сўмлик унни ўзлаштирган. Бу шахслар устидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Текширишда Қумқўрган тумани улгуржи чакана матлуботсавдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли дўконларда аҳоли истеъмоли учун энг зарур бўлган ун мавжуд эмаслиги, шаккар, ўсимлик ёғи ва бошқа озик-овқат маҳсулотлари захираси кам эканлиги аниқланди ва туман прокурори томонидан туман ҳўқими номига тақдимнома киритилди. Савдо жамоаси раҳбарига эса қонунбузилиш ҳўлатини зудлик билан бартараф этиш ҳўсусида амрнома берилди.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, республикамизнинг ҳар бир фуқароси ўз иш ўрнида юртимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашга баҳоли қўдрат ҳисса қўиши ҳам қарз, ҳам фарздир.

Суҳбатдош:
Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ



Термиз шаҳридаги афсонавий қаҳрамон Алпомиш ҳайкали.

УСТОЗ ҲАҚИДА СЎЗ

УМР ЙЎЛИ

ЖўРА АЗИМОВ 1971 йилда Термиз шаҳар прокуратураси терговчиси сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган эди. Мана роппа-роса ўттиз йилдирки, у ҳамон қонун ҳўқуқчилари сафида.

Жўра аканинг яхши фазилятлари кўп. Лекин назаримда энг асосийси, у киши доим ўз бурчига виждонан ёндашди.

Жўра аканинг ҳаёт йўлига назар ташлар экансиз, қизиқ-қизиқ ҳўлатларга дуч келасиз. У ҳар бир хизматни астойдил бажарган.

Дорилфунунда тиришқоқлик билан ўқиган. Жамоат ишларида фаол қатнашган. Йиллар ўтиб, марказдаги малака ошириш курсига ўқишга борганида ҳам, ўрнат бўлган. Унинг савий-ҳаракатларини қадрлаб, Республика прокуратурасига раҳматнома йўллашган.


Жўра Азимов турли хил вазифаларда — туман прокурори, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимларида хизмат қилди. Адлия катта маслаҳатчиси унвонига сазовор бўлди. Ҳозирги пайтда эса

Термиз шаҳар прокуратурасида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаяпти. Орияти кучли эмасми, ҳалиям ёшларга хос ғайрат-шижоат билан ишламоқда.

Жўра аканинг яна бир фазилятини алоҳида таъкидлашни истардим. У киши қайси лавозимда ишласин, ҳамиша адолат тарозисини тўғри қўйиб келган.

Менимча, ана шу жиҳатини ҳам ёш ҳўқуқ посбонларига ҳар қанча ибрат қилиб кўрсатса арзийди. Прокуратура идораларида ўттиз йил ишлаш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Шунинг ўзи катта бахт эмасми?


Эшбой АБЗАМОВ,
вилоят прокурорининг ёрдамчиси



Суратда: Сурхондарё вилоят прокуратураси.

А.ТўРАЕВ сурати

ТЕРМИЗ ШАХРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



Термиз шаҳри шонли тарихга эга. ЮНЕСКО Бош Конференцияси шаҳримизнинг 2500 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш ҳақида қарор қабул қилган эди. Бу ташаббусни мамлакатимиз раҳбарияти ҳам мамнуният билан қабул қилиб, Вазирлар Маҳкамасининг «Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори чиққанлиги айниқса қувонарлиқдир. Кези келганда шаҳарнинг ўтмиши ҳақида тўхталмай илож йўқ.

Манбаларда қайд этилишича, Тармита (Термиз) юнонлар ҳукмронлигининг илк даврида қалъа-шаҳар сифатида бунёд этилган. У Амударё бўйида, кечув яқинида жойлашган бўлиб, муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган.

Тармита (бу юнонча сўз бўлиб, дарёнинг нариги соҳилидаги шаҳар маъносини англатади) Кушон подшолиги даврида янада раванқ топди. Мамлакатни Сўғд, Хоразм, Парфия, Чин-Мочин, Ҳиндистон ва Ўрта ер денгизи давлатлари билан боғлаб турган «Буюк ипак йўли» ҳам асосан Термиз орқали ўтган. Шу боис ўша замонлардаёқ шаҳарда ҳайкалтарошлик, деворий ранг-тасвир, сангтарошлик, кулолчилик ва заргарлик сингари амалий санъат турлари юқори поғоналарга кўтарилган.

Кейинчалик шаҳарда ҳар хил сулолалар ҳукмронлик қилишди. Бири кетидан бири келади. Бироқ Термиз ҳеч қачон ўз нуфузини йўқотмаган. Минтақага ислом дини кириб келгандан кейин ҳам ҳарбий ва иқтисодий макон бўлиб қолаверган.

XII асрда шаҳарнинг умумий майдони 500 гектарга етган. Фақат Термиз шохлари саройининг ўзи 10 гектарни ташкил қилган. Мудофаа деворининг узунлиги эса ўн чакиримдан ошган.

IX-XII аср Термизда илм-фан ва адабиёт соҳасида катта юксалиш

даври бўлган. Ўнлаб улуг олим ва шоирлар етишиб чиққан. Бу ҳақда гап кетганда, аввало буюк аллома ал-Ҳаким ат-Термизий номини тилга олоқ мумкин. Бу улуг зот фаннинг турли соҳаларига бағишланган 400 га яқин асар яратган. Замондошлари уни илмининг чу-

топилмасди. Кўчаларнинг тор ва ўнқир-чўнқирлиги киши таъбини хира қиларди.

Хайриятки, Мустақиллик йилларида шаҳар кўркига кўрк қўшилди. Янги-янги замонавий бинолар қад кўтара бошладди. Йўللари таъмирлашга эътибор бериладиган бўлди.

«Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллиги муносабати билан барпо этилган истироҳат боғини ҳар қанча таърифласа арзийди. Афсонавий халқ қаҳрамони шарафига ўрнатилган улугвор ҳайкал пойида улкан кўл ястаниб ётибди. Атрофи соясалкин, гулу гулзор.

Бу йил шаҳримиз тўйига тайёргарлик ишларини кўча ва маҳаллаларни кўкаламзорлаштиришдан бошладик. Минглаб ниҳоллар ўтказилди. Бугунги кунда улардан аксарияти яшнаб турибди. Ва кўзни қувонтирмакда.

Шаҳардаги майдон ва истироҳат боғларини қайта қуриш-таъмирлашга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Жумладан, Собир Термизий номли майдон саҳнига турли шаклдаги нақшинкор бетон плиталар териб чиқилди. Гулу гулзорлар барпо этилди. Турфа шаклушамойил ясаб отилувчи кўллаб фавворалар ўрнатилди. Натижада бу гўша бутунлай ўзгача кўрку та-

ҚЎШАЛОҚ ТҮЙ

роват касб этди. Бобур номли истироҳат боғи ҳам бутунлай қайта таъмирланмокда.

Шаҳардаги маҳалла, корхона, ташкилот ва муассаса жамоалари ҳам кўл қовуштириб ўтиришгани йўқ, албатта. Ўз ҳудудларини баҳоли қудрат ободонлаштириш юмушлари билан бақ.


Ўйлаймизки, юбилей танталарига кўллаб мамлакатлардан меҳмонлар ташриф буюришади. Шунинг учун барча савий-ҳаракатларимиз бошланган эгу ишларни қўтлуг санага қадар охирига етказишга қаратилмоғи даркор. Токи кўҳна ва табарруқ шаҳар янада чирой очсин.

А.ЧОРИЕВ,
Термиз шаҳар
хокими

Тасвирларда Сурхон манзаралари



Суратлар муаллифи А.ТЎРАЕВ



Суратда: виллоят прокурорининг ўринбосари Б.Қодиров солиқ ва божхона идоралари ходимлари билан.

ФАХР

МАХТУМҚУЛИ ПОЛВОН

Кўҳна Сурхон замини гапга чечан бахшилар ва кураги ерга тегмаган полвонлар юрти. Бизнинг бугунги ҳикоямиз ўзбек миллий кураши бўйича жаҳон чемпиони Махтумқули Махмудов ҳақида.

Махтумқули полвоннинг отаси Худойберди ака сўзлайди:

— Мақтанчи бўлса-да айтман: бир вақтлар кураш бобида менинг олдимга тушадигани кам эди. Биласиз, Сурхон тўйлари курашсиз ўтмасди. Полвонлигим тугарди. Тўнчиқ ўғлим Махтумқулини икки ёшдан бошлаб тўйларга олиб борардим. Дўстларимнинг бари полвон. Шу боис, суҳбатимиз фақат кураш ва полвонлар ҳақида бўларди. Ҳали ҳеч нарсанинг фарқига бормайдиган Махтумқули туринглари марок билан тинглари. Бўйинимга осилиб «Ота, мен ҳам сиздай олишман» дерди.

Айни кўлам эди. Бир кунни хордиқ чиқариш учун тоққа йўл олдик. Шеробид қўллариди тўмонат одам. Қарасак, ёшига болакайлар кураш тушмаяпти. Буни

кўрган Махтумқули «Ота, мен ҳам олишман» деса бўладими. Тўғриси, у ўзидан жуссаси кичикроқ бола билан курашга тушди. Бола анча чайир эди. Махтумқули даврдан мағлубият билан йиғлаб чиқди. Унга оғир ботди. То Хужанко тоғигача йиғлаб, бир кўлтум сув ҳам ичмай борди. Мен билмай юрган эканман. Ўғлим кўп нарсани фахмлайдиган бўлиб қолган экан. У менга узоқ тикилиб деди: «Отажон, уэр, полвоннинг ўғли йиқмади деган гапга қолдингиз. Сизга чин сўзим. Мана кўрасиз, зўр полвон бўлман...»

Бугун у чин ўғиллик сўзининг устидан чиқди. Махтумқули Анталидан жаҳон чемпиони бўлиб қайтди. Қувончим ичимга сиймайдди. Худди ўзим чемпион бўлгандек унинг олтин медалини

тақиб, Термизийлар камол топган ота юртининг ҳар бир кўчасини «Ўғилларинг полвон бўлсин, ҳой яхшилар» деб айланиб чиқдим.

Махтумқули илк бор, 1983 йили ўрта мактабнинг еттинчи синфиди ўқиб юрган пайтда самбо бўйича республика биринчилигида 33 килограмм вазнда иштирок этиш учун Бухорога борди. Бироқ бу мусобақаларга қатнашолмади. Сабаби, унинг вазни 31 килограмм эди.

У хафа бўлиб қайтди. Унга онаси Хайитгул опа далда берди:

— Қўй, болам, кўп куйнаверма. Сен полвонсан. Фақат тинимсиз шуғуллан.

Онасининг насихатидан далда олган Махтумқули ўйни унутди. Ўйингоҳдан бери келмай, машқларини берилиб бажарарди. Ўндаги чиниқиб бораган сари ортди. Отаси уни Термиз шаҳар спорт



мактабига олиб келди. Бу ерда тажрибали устозлардан кураш сирларини ўрганди. У 1986 йили самбо кураши бўйича Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган республика биринчилигида иштирок

этди. Унинг спортдаги биринчи парвози ана шу бўлди. Иккинчи ўринни эгаллади. Кейинчалик халқаро турнирда биринчи ўринни олиб, ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро мусобақаларда 73 килограмм вазни полвонлар ўртасида ғолиб чиқди. 1999 йилда ўзбек миллий кураши бўйича Осиё чемпиони бўлди. Кейин эса яна бутун жаҳон бўйлаб ҳушбабар тарқалди. Махтумқули жаҳон чемпиони бўлди.

— Бугалги жаҳон чемпионатида мени тайёрлаган устозим Алишер Норбоевдан чексиз миннатдорман. Рақибларимга нисбатан у кишидан ўрганган кураш усулларини қўлладим. Шу тўғрисида чемпионлик учун кураш тушган болгар полвон Бегешевскийнинг елкасини ўн саккиз секундда ерга тегиздим. Мен билан биргаликда устоздан кураш сирларини ўрганаётган Т.Валиев, укам Р.Махмудов, О.Худойкуловларнинг ҳам ҳаракати зўр. Келгусида катта полвон бўлади бу йиғитлар. Чўнқи юрагида Ватан гурури ва ори бор, — дейди жаҳон чемпиони Махтумқули Махмудов.

Рустам ДАВЛАТ,
журналист

КИЛМИШ-КИДИРМИШ

ДАРЗ КЕТГАН «ЧИННИ» ОПЕРАЦИЯСИ

... Оиладаги баъзи етишовчиликлар сабабли Муяссар бозорга чиқиб, савдо билан шуғуллана бошлади. Укалари Рустам ва Равшанлар эса Тошкентнинг «Отчопар» бозорида чинни буюмлар сотишарди. Орадан кўп ўтмай, Муяссар ҳам Фарғонадан Тошкентга, укаларининг олдига келиб, улар билан биргаликда савдо-сотикқа берилди.

Тўхтамурод бозорда Рустам билан танишиб қолади. Унинг қаердан чинни олиб келиши билан қизиқади. Рустам унга молларни Муроджон Хитойдан олиб келиб беришини, гоҳ-гоҳида эса Қозғистоннинг Олмаота шаҳридан ўзи ҳам олиб келишини айтади. Тўхтамурод Рустамнинг ишончига кириб, пул ишлаш мақсадида ўзини Транспорт прокуратураси ходими деб таништиради ва қалбаки гувоҳномасини кўрсатади. Рустам ҳам унга ишонади. Кейинроқ эса Рустам Тўхтамуродни акаси Равшан ҳамда опери Муяссарлар билан ҳам таништириб қўяди.

Бу пайтда Муяссарнинг қозғистонлик Роҳила исмли таниши телефон қилиб, «Чинни идишлар бор, агар сотиб берсангиз мен товарни жўнатаман. Товарни Еттисойда яшовчи Нурлан исмли жиянимдан олиб кетишингиз мумкин», дея таклиф қилди.

Муяссар Тўхтамуроддан: «Ушбу товарни олиб келишда божхонадан ўтказиб бера оласизми», - деб сўрайди. Тўхтамурод унга рози бўлиб, эвазига 100 АҚШ доллари ва чинни буюмлар бериши кераклигини айтади. Муяссар ҳам «Агар молларни бозорга олиб келиб берсангиз, майли» деб рози бўлади.


2000 йилнинг октябрь ойи. Келишувга биноан Тўхтамурод Сирдарё вилояти 4-сонли «Сирдарё» божхона марказига бориб, унинг бошлиғи Чинтошев Усмонали билан учрашади. Ўзини прокуратура ходими деб таништирган Тўхтамуродни Чинтошев хонасига таклиф қилади. Унинг ниятини эшитган марказ бошлиғи «Товарнинг эгасини кўришим керак», дейди.

Тўхтамурод Рустамни олиб келгач, улар яна учрашадилар...

27 ноябрь куни Муяссар билан Тўхтамурод белгиланган вақтда учрашув жойига етиб боришади. Чимкент вилоятининг Махтаорол туманидаги Нурлибоев овулидан 5 млн. сўмлик Хитой маҳсулоти бўлган чинни буюмларни Нурлан исмли шахсдан сотиб олишади.

Тахминан соат 16 ларда КаМАЗдан 1-2 км. масофа олдинда бораётган енгил машинадаги Муяссар ва Тўхтамуродлар Сирдарё вилоятидаги «Малик» божхона пунктига етиб келишади. У ерда божхона бошлиғи Чинтошевга олдиндан келишилганидек 300 АҚШ доллари миқдорида пора беришади. Ушбу пора эвазига юкхонасига 5 млн. сўмлик чет эл маҳсулоти бўлган юк машинаси ҳеч қандай текширувсиз, Чинтошевнинг ишораси билан тўхтатилмасдан ўтказиб юборилади. Бу билан давлат газнасига тўланиши лозим бўлган 2 млн. 207 минг сўмлик божхона тўловлари тўланмайди.

Олиб келинган товардан яхшигина даромад олган Муяссар турмуш ўртоғи Алишер ҳамда Тўхтамуродлар билан биргаликда яна Қозғистонга йўл олади. Чинтошев ва ДАН ходимларининг «ёрдам»лари туфайли бу сафарги 4 млн. 200 минг



Калкон ЖҲРАЕВ, Республика прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бошқармаси катта терговчиси

сўмлик чинни идишлар ҳам божхона тўловларисиз харидорлар қўлига етиб келади.

Ишларнинг бу даражада силлиқ кетаётганидан руҳланган чиннифурушлар эски мижозлари Нурлан билан учрашадилар. Бу сафар улар 11 млн. сўмлик товарни юк машинасига юклаб, йўлга тушади. Келишиб олингандек, соат 16-17 лар орасида Чинтошев уларни «Учрашув» чойхонасига кутиши керак эди. Тўхтамурод Чинтошевни чойхонадан топа олмайди. Чойхонада кабоб пиширувчи Шухрат унга Чинтошев уларни кутганлигини, касаллиги сабабли уйига кетганлигини, ишлари бўлса телефон қилишларини тайинлаганлигини айтади. Тўхтамурод Шухратдан Чинтошевнинг уй адресини сўрайди. Шухрат ўзидagi гугурт кути-сига Чинтошевнинг уй адресини чи-зиб кўрсатади. Тўхтамурод ушбу адрес бўйича унинг уйига боради ва юк келаётганлигини айтиб, 300 дол-лар беради. Шунда Чинтошев улар-нинг юкини муовини А.Улмасов ўт-казиб беришини ва унинг учун берил-ган пулдан 200 долларини қайтариб Тўхтамуродга беради.

Тўхтамурод А.Улмасов билан уч-рашиб, ўзини Чинтошев юборганли-гини айтади ва 200 АҚШ долларини беради. А.Улмасов пулни олади ва юк машинасининг номерини ёзиб қолади. Йўлдаги «чигирик»лардан эсон-омон ўтиб келган юк машинаси «Отчопар» чинни бозорига қўлга олинди.

Ушбу гуруҳнинг жиноий иши Тош-кент шаҳар судида кўриб чиқилди.

Қонун ҳимоячиси бўлатуриб қонунга хилоф тарзда иш тутган, ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилган У.Чинтошев ва А.Улмасовлар-нинг жиноятлари ашъвий далиллар ҳамда Тўхтамурод, Муяссар ва Шух-ратларнинг кўрсатмаларига биноан тасдиқланди.

Суднинг ҳукмига кўра, У.Чинто-шевнинг мол-мулки давлат фойда-сига мусодара қилиниб, ўн уч йилга, А.Улмасовнинг ҳам мол-мулки му-содара қилинган ҳолда ўн бир йилга, Т.Абдуллаев эса мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиниб, сак-киз йил олти ойга озодликдан маҳ-рум этилдилар.

М.Маллаева ҳам ушбу ишда ай-бли деб топилди ва мол-мулки дав-лат фойдасига мусодара этилди. Ўз айбига тўла иқдорлиги ҳамда «Она-лар ва болалар» йили муносабати билан 5 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартлига алмашти-рилиб, икки йил синов муддати бел-гиланди. Давлатга етказилган зарар-лар айбдорлардан ундирилди ва шу тариха «Чинни» операцияси барбод бўлди.


РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

«МАРҒИЛОН ДЕКҚОН БОЗОРИ»

ҳиссадорлик жамияти
энг улуғ, энг азиз
байрамимиз —
истиқлолнинг 10
йиллиғи
билан барча
зағайдошларимизни
қўвғини қутлайди.
Мустақиллигимиз
абодий бўлишини
тилайди.

Истиқлолнинг қутлуғ бўлсин, Ўзбекистоним!



«АЛ-ЗОҲИРА»
ҳиссадорлик жамияти

РЕКЛАМА**РЕКЛАМА****«ТЕХНОЛОГ»**

корхонаси жамоаси
Ўзбекистон халқини
мустақилликнинг 10 йиллик
тўйи билан қизгин табриклайди
ва юртдошларимизга бахт-саодат,
эзгу ишларига муваффақиятлар
тилайди.



**ИСТИҚЛОЛИНГ
ҚУТЛУҒ БЎЛСИН,
ЖОНАЖОН ВАТАН!**



«Кушбеги нон» корхонаси жамоаси

**ИСТИҚЛОЛ
МУБОРАК, ҲУР
ЎЗБЕКИСТОН!**



«ФАЙЗ - ЛТВ ТЕКСТИЛЬ»

корхонаси жамоаси

«ТРАСТБАНК»

пойтахт филиали

Мустақилликнинг
10 йиллиги билан
Ўзбекистон халқини салтанат
табриклайди. Юртдошларимизга
бахт-саодат, омад ва
зафарлар тилайди.

**«КВАР»
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАМОАСИ**

Барча юртдошларимизни
истиқлолнинг 10 йиллиги билан
қизгин қутлайди. Мустақиллигимиз
абадий, осмонимиз мусаффо
булишини тилайди.



РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

«ЗУККО» фирмаси ўқув маркази

Сизларни замонавий касбларни ўргатадиган ўқишларга таклиф этади.

3

ойлик

Бичиш-тикиш.
Бир ойга - 3500 сўм.
Бошловчилар учун инглиз тили. Бир ойга - 3500 сўм.
Инглиз тили (давом эттирувчилар учун.) Бир ойга - 4000 сўм.
ТОЗФЛБ. Бир ойга - 6000 сўм.
Акушерлик. Бир ойга - 4000 сўм.
Теле-радио усталари. Бир ойга - 3500 сўм.
Бухгалтерлик. Бир ойга - 3500 сўм.

2

ойлик

Хар хил торт, салатлар тайёрлаш.
Бир ойга - 3500 сўм.
Сартарошлик. Бир ойга 3500 сўм.
Массаж (умумий).
Бир ойга - 3500 сўм.
Уй хамшираси.
Бир ойга - 3500 сўм.
Энг замонавий усулларда «Элита» пардалари ва чойшабларини тикиш.
Бир ойга - 4000 сўм.

1

ойлик

Тижорат ва озиқ-овқат дўконлари учун со-
тувчилар.
Бир ойга - 6000 сўм.

!

Ота-оналар диққатига

5, 6, 7 ёшли болаларга инглиз тили ўргати-
лади.
Бир ойга - 3500 сўм.

Замонавий ва
ишбилармон, оқила
ва назанда,
саронжомчу-
сарништа
бўлишингизда
«ЗУККО»
Сизнинг энг яқин
кўмакчингиздир!

Ўқишни битирганларга диплом ва гувоҳнома берилади. Вилоятлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАНЗИЛ: Метронинг «Тинчлик» бекати. «Азиза Сайфи қизи» ательесининг ичида. «Адиас» дўкони ёнида. Тел.: 42-36-71.

«SAMSUNG»

қиш - ёз
кондиционерлари

«СИНТА» фирмаси «SAMSUNG» компаниясининг қиш-ёз
кондиционерларини харид қилишга таклиф этади.

Манзил: Тошкент ш., Кушбеги кўчаси, 18. Тел.: 50-47-67.



дўкони

«Мерседес»,
«Форд»,
«Волво», «ДЭУ»,
«Опел», «Ауди»,
«Нексия», «Тико» ва
«Дамас» автомобил-
лари учун эҳтиёт
қисмларни энг
арзон нархларда
харид қилишга
таклиф этади.

ҲАҚ ТУЛАШ — Сиз истаган усул!



МАНЗИЛ: Тошкент ш., А.Қаҳҳор
кўчаси, 32-уй.
Тел.: 55-66-72.

ФИЛИАЛАРИМИЗ:

Усмон Носир кўчаси,
20-уй.
Тел.: 55-42-88.
«Фарход» бозори,
Авторымарка. Тел.: 75-88-42.

А.ЗОКИРОВ ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ



Олий навли, юқори сифатли ва хушбўй, сертификатланган
«Хушрўй» мурчларини харид қилишга таклиф этади.

Маҳсулотлар 1/15 гр. ва 1/25 гр.
пачкаларга қадоқланиб сотувга чиқарилмоқда.

1/15 гр.ли пачкалардаги янчилмаган маҳсулотнинг баҳоси 105 сўмдан;
1/25 гр.ли пачкалардаги янчилган маҳсулотнинг баҳоси 170 сўмдан.

Маҳсулотлар пул ўтказиш йўли билан
ёки нақд пулга сотилади.

Манзил: Тошкент - 700160, Сирғали тумани, Беруний кўчаси, 3-уй.
Тел.: 90-54-81, 34-87-21.



РЕКЛАМА ВА ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАРНИ «ХУҚУҚ»ДА ЖОЙЛАШТИРИШ

Тел: 77-68-67, 77-59-31.
Fax: 77-68-67.

ФУТБОЛ**ЭРТАГА ЯРИМ ФИНАЛ**

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ўтган сониди ёзганимиздек республика прокуратура идоралари ўртасида ўтказилаётган футбол бўйича «Қонун ҳимоячиси» соврини учун мусобақалар авж палласига етди.

Қуръа натижасига кўра Марказий маҳкама жамоаси тўғридан-тўғри ярим финалга чиққанидан хабарингиз бор. 24,25, 26 июль кунлари чорак финалнинг қолган уч учрашуви бўлиб ўтди. Наманган-Сурхондарё — 0:1, Ўзбекистон Ҳарбий прокуратураси - Тошкент вилояти — 1:5, Самарқанд-Хоразм — 0:1.

Шундай қилиб 2-3 август кунлари ярим финалда Сурхондарё — Тошкент



вилояти, Хоразм — Марказий маҳкама жамоалари учрашадилар.

ШОВ-ШУВ**«ЭРКАТОЙ»НИНГ МАШМАШАЛАРИ**


Профессионал бокс бўйича собиқжаҳон чемпиони Майк Тайсоннинг номини билмайдиганлар оралида учрамаса керак. Ўзининг кучли зарбалари, ҳайратомуз ғалабалари билан мухлисларни дол этган Тайсон кейинги пайтда кетма-кет можаролар билан ҳам танилиб улгурди.

Сўнгги марта, ёдингизда бўлса, Майк машинасини туртиб юборгани учун кекса отахоннинг таъзирини бериб, суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлганди. Аммо бу сўнггиси эмас экан.

35 ёшли боксчини аёл кишига тегажоглик қилганликда айбловда. Маълумотларга қараганда, аёлни ўзи буҳадда шикоят билан мурожаат қилган. Ҳозирча жаҳрланувчининг исми сир тутилмоқда. Калифорния полицияси тарқатган хабарга кўра, Тайсонга 16 июль кунини Лос-Анжелеснинг шарқидида ижарага олинган уйлардан бирида ҳимоясиз аёлни зўрлаган, деган айб қўйилган. Собиқ чемпионнинг адвокати Дарроу Солл эса айбловни қатъий рад этмоқда. Тайсоннинг ўзини полиция ҳали сўроқ қилиб улгургани йўқ. У ҳозирда Аризона штатининг Финикс шаҳрида машгулотлар билан банд. Сабаби Майк шу йил 8 сентябрь кунини Копенгагенда боксчи Брайан Нильсенга қарши рингга чиқиши керак.

1992 йилда Тайсон аёл кишини зўрлагани учун 3 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. Афтидан, Тайсонни можарога жалб қилиб соғин сизгидек фойдаланишни касб қилиб олган аёллар тоифаси пайдо бўлганга ўхшайди. Шу пайтгача ҳам унга бир неча марта ҳудди шундай айб илтишган эди. АҚШ ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳозирча Тайсонга нисбатан бирон-бир чора қўллашга асос йўқ, деб ҳисоблашмоқда. Шерифлик хизмати вакили Чип Паттерсоннинг айтишича, полиция аввал боксчининг ўзи билан суҳбатлашни мўлжалламоқда. Собиқ чемпионнинг адвокати эса ушбу айблов «юз фойз бўҳтон» эканлигини таъкидлашдан чарчамапти.

Ҳа, «эркатой» Тайсоннинг бошида яна қандай машмашалар бор, бу факат Яратганга аён. Агар айблов тасдиқланиб қолса, Брайан билан бўладиган жанг кейинги қолдирилиши аниқ. Миллионлаб мухлислар эса Тайсоннинг қамоқда тезроқ рингга кўришни истайдилар.

**БИР ЧИМДИМ КУЛГУ...**

Суд. Аёлни эрининг қотиллигида айбловмоқда.

— Демак, сиз эрингизнинг шўрвасига захар солгансиз. Кейин нима бўлди?

— У ўтириб, бемалол овқатлана бошлади.

— Виждонингиз қийналмадими?

— Қийналди... Яна ичаман, деганида.

— Топ-чи, қайси қулоғим шангиллади?

— Ўнги.

— Тўғри.

— Бу билан нимани аниқладинг?

— Ахлат челақни ким тўкиб келишини. Бунини сен қиласан энди.

Қиз денгизчи йигитдан сўрапти:

— Айт-чи, азизим, денгиз чиройлими?

— Мен сув ости кемасида хизмат қиламан-ку, жонгинам, нега

бунини мендан сўраясан?

Старшина сержантдан сўради:

— Бугун этикни тозаладингми?

— Нима, бугун сайрга чиқаришадими?

— Ҳамшира, мени қаёққа олиб кетаяпсиз?

— Ўлиқхонага.

— Ахир, ҳали тирикман-ку?

— Биз ҳам ҳали етиб борма-


дик.

— Куйлашни бас қил. Мен ухлаёлмапман.

— Яхши. Ухлаганингдан кейин куйлай қоламан.

— Доктор, тўғриси айтинг, сизнинг бу доривор гиёҳларингиз бирор наф келтирадими?

— Бўлмасам-чи, яқинда ўғлимга дала ҳовли сотиб олиб бердим, энди қизимга «Тико» совға қилмоқчиман...

КРОССВОРД

1. Ишбилармон. 2. Иккиюзламачи. 3. Ёлгоннинг акси. 4. Республикаимиздаги марказий газеталардан бири. 5. Афандининг исми. 6. Мулкчилик шакли. 7. Тошкентда кашф этилган XX аср муҳизаларидан бири. 8. Самарқанд шаҳридаги тарихий мажмуа — майдон. 9. Гул номи. 10. Маконсиз. 11. Қараш, кўз ташлаш. 12. Ҳинд эпоси. 13. Жанубий қутб. 14. Қитъа. 15. Кичик зарра. 16. Россиялик теннис юлдузи (исми). 17. Мажнун. 18. Кашфиёт. 19. Болалар ўйини. 20. Нархи паст. 21. Араб имлосидаги белгилардан бири. 22. Расмий эътироз тури. 23. «Маҳаллий санъаткор». 24. Айрим шахсларга нисбатан бериладиган енгиллик. 25. Ҳайвонлар ва паррандаларнинг «боғча»си. 26. Ташкилот. 27. Африкадаги қабила номи. 28. Иш қоғози. 29. Тантанали йиғилиш. 30. Уюшмаган, тарқоқ. 31. Мурод Муҳаммад Дўст асарларидан бири. 32. Миллат. 33.

Европадаги давлат. 34. Бошлиқлар бажармаса ҳам бўлаверади. 35. Қўрқмас, ботир. 36. Зора, қани эди. 37. Детектив. 38. Товланиш. 39. Қизлар исми. 40. Олий идоралардан бири. 41. Хабарлар. 42. Самолёт русуми. 43. Тўқин қабул қилувчи ёки узатувчи мослама. 44. Усиз келажақ бўлмади. 45. Ўзбекистонда яхши танилган болалар ансамбли. 46. Фаоллик. 47. Тошкент вилоятидаги туман, зиёратгоҳ маскан. 48. Фалакиёт илми билан шуғулланувчи киши. 49. Тош, дори. 50. Симба. 51. Тезкор. 52. Жамғармаси кўп. 53. Кетчуп. 54. Ширинлик тури. 55. Ажнабий. 56. Шахмат қиролларидан бири. 57. Давлат шаклларида бири. 58. Видеофильм. 59. Фирибгар. 60. Раққоса (исми). 61. Эквивалентлик. 62. Дўкхали экин.

Тузувчи: Муаззам АКБАРОВА

АНА ХОЛОС!**ШАРТАКИ ШАҲЗОДА**

Англия қироличаси Елизавета II нинг эри шаҳзода Филипп ўзининг шартакилиги билан ном қозонган.

Гап шундаки, Солфорд университети ҳовлисида жойлашган ракета майдончасида шаҳзода 13 ёшли болакайни худди ана шу шартакилиги билан хафа қилиб қўйди. Болакай Эндрю Адаме шаҳзодага қосмосга учишни орзуқилишини айтди. Шаҳзода эса қосмонавт бўлиш учун бироз озишга тўғри келишини айтиб, унинг семизлигини юзига солган.

«Шаҳзоданинг муомаласи ёқмади. У менинг семизлигимдан қўлди, лекин мен бунини ҳазилга йўйиб қўя қолдим» дейди Эндрю. Аммо унинг онаси уни жаҳл билан қарши қолди. «Ҳеч тушунолмаيمان, шундай бооброў хонадоннинг соҳибини қандай қилиб бундай ноҳуш сўзларни айта олди экан» дейди у.

ЎТТАНЛАРИНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Тошкент шаҳар прокуратурасининг девонхона мудираси

Гулфия ШАФИГУЛИНАнинг бевақт вафот этганиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



Гурунг.

А.ТЎРАЕВ сурати